# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯЛАР МАЖЛИСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг Кавказорти, Қора денгиз соҳили мамлакатлари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтириши стратегик аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон, Озарбойжон ва Грузиянинг жуғрофий ўрни дунё миқёсида транспорт-коммуникация алоқаларининг қудратли тармоғини барпо этишни назарда тутувчи Шарқ-Ғарб иқтисодий тизимини тиклашда уларнинг фаол иштирок этиши учун қулай имконият яратаётир. Шу маънода Транскавказ йўлаги — Ўрта Осиё — Кавказ —Европа транспорт-коммуникация йўли (ТРАСЕКА) орқали Ўзбекистондан Грузияга жўнатилаётган товарлар ҳажми сўнгги пайтда сезиларли даражада ошганини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон ҳудудида Грузия иштирокидаги бир неча қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мебель ва кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "ТММ" қўшма корхонаси рўйхатдан ўтиш арафасида турибди. 1997 йили Грузия портлари орқали жами 285 минг тонна юк ташилди. Жорий йилда мазкур портлар орқали хорижга 150 минг тонна пахта толаси жўнатиш ва 200 минг тонна импорт юкларини мамлакатимизга олиб келиш режалаштирилган. Ҳукуматлараро комиссия мажлисида томонлар Поти шаҳрида Ўзбекистон — Грузия қўшма корхонасини тузишга келишиб олдилар.

Мамлакатлараро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривожланиб бораётганини тасдиқловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ комиссия мажлисида савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилди. Мажлисда томонлар яна бир неча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олди. Жумладан, Ўзбекистон Грузиядан жорий йилда Кутаиси автомобиль заводининг "КАЗ 45-40" русумли юк машиналарини харид қилади. Бу машиналар пахта толаси ва лавлаги ташишда жуда қўл келади. Кутаиси заводи юк машиналарини Ўзбекистон шароитига мослаб тайёрлайди. Грузия томони мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган сиқилган газга эҳтиёжи борлигини билдирди. Бундан ташқари, улар ЎзДЭУавто автомобилларини сотиб олмоқчилигини ҳам маълум қилди. Мажлисда келишиб олинганидек, Тбилисида Ўзбекистон автомобилларига техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилади. Хўжалик субъектлариаро бевосита алоқалар ўрнатиш масаласида ҳам ижобий далиллар келтириш мумкин. Масалан, субъектлараро алоқалар юзасидан музокараларда маълум бўлдики, грузияликлар Ўзбекистон товар-хомашё биржаси таклифларига катта қизиқиш билдирди.

Шунингдек, томонлар яна бир неча соҳаларда алоқалар ўрнатиш масалаларини ўрганиб чиқиш, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар уюштиришга келишиб олдилар.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси сўнггида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Грузия ҳукумати ўртасида солиқ қонунчилигини сақлаш борасида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам бериш, дори-дармон маҳсулотларининг қайд этилишини ўзаро тан олиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколи имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томонидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Грузия томонидан мамлакатнинг Давлат вазири Николай Лекишвили имзолади.

Шу куни Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг раҳбари — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди.

26 февраль куни Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси бўлди. Унда, даставвал, илгари имзоланган халқаро шартномаларнинг ижроси хусусидаги, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламларини кенгайтиришни кўзда тутувчи масалалар муҳокама қилинди.

Комиссия мажлисида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари жадал ривож топиб бораётир. 1997 йили мамлакатлараро товар айирбошлаш ҳажми 23,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Унинг 14,4 миллиони транспорт хизматлари ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили Озарбойжон орқали 335 минг тоннага яқин юк ўтган.

Мажлисда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи жиддий таҳлил этилиб, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мамлакатларимиз ўртасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Хўжалик субъектлариаро бевосита алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, нефт кимёси, металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқариш кооперацияси алоқаларини чуқурлаштириш ҳар икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келади.

Озарбойжон ҳукумати комиссияси аъзолари Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлиги, мамлакатимиз Озарбойжон учун стратегик ҳамкор эканлигини алоҳида таъкидлашди. Улар Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобилларимизга катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Транскавказ йўлаги — ТРАСЕКА йўлини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу йил январь ойида Тошкентда Ўзбекистон, Озарбойжон ва Грузия ҳукуматлари делегациялари ўртасида Транскавказ йўлаги орқали товар-маҳсулотлар ташиш ҳажмини янада ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, ТРАСЕКА инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган эди. Комиссия мажлисида ҳам ТРАСЕКАдан самарали фойдаланиш учун томонлар ҳамжиҳатликда ишлаётгани таъкидланди. Шунингдек, темир йўл алоқасини янада мустаҳкамлаш, бандаргоҳ ва терминаллар имкониятларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга жиддий эътибор қаратилди. Шу ўринда Транскавказ йўлагига нега бу қадар жиддий эътибор қаратилаяпти ва бундан Ўзбекистон қай даражада манфаатдор, деган савол туғилиши табиий. Жавоби жуда оддий: мазкур йўл орқали Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт харажатлари арзонга тушади, яъни бу йўл катта маблағни тежаш имконини беради. Бундан ташқари, ТРАСЕКА Европа сари очилган катта йўл демакдир. Нафақат камхаражат, балки қисқа ҳамда бехавотир йўл.

ТРАСЕКАнинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Маълумки, Ўзбекистон, Хитой ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль йўли қуриш тўғрисида келишув мавжуд. Мазкур Тошкент - Андижон - Ўш - Иркештам - Қашқар йўналиши бўйича янги автомобиль йўли ишга тушганидан сўнг, бу йўлдан келган Жанубий Осиё мамлакатлари юки ТРАСЕКА орқали Европагача етиб боради.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Озарбойжон Республикаси ўртасида товарлар (иш, хизматлар) экспорти ва импортида солиқ олиш тамойиллари, иқтисодий ва молиявий қонунбузарликларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш, валюта, экспорт-импорт назорати соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги Битимлар ҳамда ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколи имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томонидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Озарбойжон томонидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Аббосов имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков Озарбойжон Республикаси Бош вазири А.Расизода билан учрашди.

Ўзбекистон — Грузия ва Ўзбекистон — Озарбойжон ҳукуматлариаро комиссияларнинг навбатдаги мажлисларини шу йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш мўлжалланмоқда.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Тбилиси — Боку — Тошкент.**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 25 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Вазир В.К. Михайловнинг маърузасида тармоқнинг ишида жиддий камчиликлар борлиги қайд этилди. Ислоҳотлар қониқарсиз олиб борилаяпти. Кўрсатилаётган хизматлар даражаси бозор муносабатлари талабларига жавоб бермайди. Дебитор ва кредиторлик қарзлари камаймаяпти. Тарифларнинг ошиб бориши уй-жой эгаларига кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш билан бирга мустаҳкамланмаяпти. Корхоналарни бошқариш структурасини такомиллаштириш секинлик билан амалга оширилаяпти, техник сиёсатнинг олиб борилиши ҳозирги кун талабларидан орқада қолмоқда. Қуйи ташкилотларни хўжалик ҳисобига ўтказиш ва меҳнатга ишбай ҳақ тўлашни татбиқ қилиш етарли даражада эмас. Коммунал хизмат кўрсатишда рақобатчилик муҳитини ривожлантириш учун шароитлар яратилмаяпти.

Бундай камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Яқин вақт ичида вазирликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда коммунал хизмат кўрсатишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури ишлаб чиқилади. Бунда уй-жойдан фойдаланиш хизматларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уй-жой эгаларининг ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

ВИЛОЯТЛАРДА

# АЁЛЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси ҳамда республика хотин-қизлар қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Халқаро Конвенция" ва унинг доирасидаги миллий қонунчиликни Сирдарё вилоятида ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида" маъруза қилди.

Йиғилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи бўлиб БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги резолюцияси асосида халқаро Конвенцияга қўшилгани таъкидланди. Мамлакатимизда оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминлаш, уларнинг давлат, жамоат ва тадбиркорлик ишларида иштирокини кенгайтириш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалигида, саноатда, оилада уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаётир.

Сўзга чиққанлар аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, янги иш ўринлари яратиш, кўп болали ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш, балоғат ёшига етмаган ўсмирлар ва ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш борасида Сирдарё вилоятида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга бу борадаги камчиликларга барҳам бериш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Жумладан, ҳамма жойда ҳам хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, уларнинг давлат ва жамоат ишларидаги иштирокини таъминлаш талаб даражасида эмас. Аёлларнинг оилавий бурчларини меҳнат фаолиятлари билан биргаликда олиб боришларини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов сўзга чиқди.

**Ф. НОРМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Қарши шаҳрида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хўжаликлар раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар кейинги вақтда вилоят ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муайян ижобий натижаларга эришилганини қайд этди. Айни вақтда йўлбошчимиз кўрсатиб ўтган иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган айрим нуқсон ва камчиликлар вилоятда ҳам кўзга ташланаётганлигини таъкидладилар. Жумладан, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, деҳқонда ерга, мулкка муносабатни ўзгартириш, унинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш масалаларига ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилаётир деб бўлмайди.

Шунингдек, йиғилишда 1998 йил Оила йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирлар кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокими О.Пармонов йиғилишда сўзга чиқди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИ

# «ЧОЙХОНА ЭМАС, ҒАМХОНА СОТИБ ОЛДИМ»



**Газетанинг шу йил 5 февраль сонида пахтаободлик тадбиркор У.Ғозиевнинг таҳририятимизга ёзган юқоридаги сарлавҳали хати «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди» рукни остида эълон қилинганди. Унда муаллиф сотиб олган мулкини расмийлаштиришда тегишли ташкилот мутасаддилари тадбиркорни сарсон-саргардон қилаётганликларини куйиниб ёзганди.**

Куни кеча мазкур мақола бўйича Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, назорат инспекциясининг раҳбари жаноб П.Луқмоновдан жавоб мактуби олинди. Унда мақолада келтирилган эътирозлар асосан тасдиқланди, деб таъкидланади.

Пахтаобод туманидаги «Андижон» жамоа хўжалиги бошқаруви (раиси А.Сатторов) чойхонани 1995 йили У.Ғозиевга 10 йил муддатга ижарага берган бўлиб, ижарачи томонидан ижара ҳақи тўланмаганлигини сабаб қилиб, мулкни «Ким ошди» савдосига қўйган. 1996 йил 22 март куни бўлиб ўтган «Ким ошди» савдосида чойхонани яна У. Ғозиевнинг ўзи сотиб олган ва 1996 йил 15 ноябрь куни жамоа хўжалигига тегишли бўлган 48417 сўмни тўлаган.

Республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят бўлими (бошлиғи М.Юсупов) «Ким ошди» савдоси якуни бўйича У.Ғозиевга мулкни сотиб олганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиришда сансалорлик ва лоқайдликка йўл қўйган. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси (бошлиғи М.Дадабоев) ва бошқарманинг шу масалага бевосита масъул бўлган бўлими(Ш.Каримов) ҳам «Ким ошди» савдоси якуни бўйича У.Ғозиевга мулкка эгалик ҳужжат (ордер)нинг ўз вақтида берилишини таъминламаган.

Масалани ўрганиш жараёнида У.Ғозиевга ушбу ҳужжат берилди.

Текшириш натижалари вилоят ҳокимлиги Назорат инспекциясининг 1998 йил 7 февралда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинди. Вилоятда келгусида мақолада кўрсатилгани каби ҳолатларнинг юз бермаслиги ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди ва шу қарорга асосан айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг бошлиғи М.Дадабоевга бошқарманинг бўлимлари фаолиятларини етарли даражада назорат қилмаганлиги, ходимларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлиги натижасида тадбиркорларда ишончсизлик ва норозилик келиб чиқишига сабабчи бўлганлиги учун унга нисбатан интизомий чора кўриш республика Давлат мулки қўмитасидан сўралди.

Ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги, сотилган кўчмас мулкларнинг ҳужжатларини белгиланган муддатларда тўғри ва тўлиқ расмийлаштирмай, биржа ишида сансалорликка йўл қўйганлиги учун республика Кўчмас мулк биржаси вилоят бўлими бошлиғи М. Юсупов ўз вазифасига нолойиқ деб топилиб, республика Кўчмас мулк биржаси раҳбариятига шу ҳақда тақдимнома берилди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Нуриддиновга бошқарманинг «Ким ошди, танлов ва биржа савдоларини мувофиқлаштириш» бўлими фаолиятлари устидан назоратни сусайтириб юборганлиги учун хайфсан эълон қилинди, бошқарманинг бўлим бошлиғи Ш.Каримов ўтказилаётган «Ким ошди ва биржа» савдоларига тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳамда савдодан кейинги ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоларга йўл қўйганлиги учун ўз лавозимидан бўшатилди.

Пахтаобод тумани хусусийлаштириш бўлими бошлиғи М.Оҳунжонов туманда савдога қўйилган объектларнинг ҳужжатларида етишмовчиликларга йўл қўйганлиги, бунинг натижасида мулкдорнинг норозилиги юзага келганлиги сабабли ўз вазифасидан озод этилди.

Пахтаобод туманидаги «Андижон» жамоа хўжалигининг бошқаруви раиси (А.Сатторов)га «Ким ошди» савдосига мулкни қўйишда йўл қўйган хатоликлари учун хайфсан эълон қилинди.

Булардан ташқари барча масъул ходимларга тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарурлиги ва бу масалада сансалорликка йўл қўйилган ҳар бир ҳолат бўйича кескин чоралар кўрилиши уқтириб ўтилди.



Поп туманида ҳадемай ип йигиришга ихтисослашган — «Попфен» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлайди. Айни кунларда қурилиши жадал бораётган корхона ишга тушгач, 318 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади, йилига 5400 тонна пахта қайта ишланади.

Қўшма корхонани бунёд этишда Олмония, Туркия ва Ўзбекистон мутахассислари баҳамжиҳат иш юритмоқдалар. Ўрнатилажак замонавий дастгоҳлар эса Олмонияда тайёрланган.

СУРАТДА: «Попфен» бош директори Мубин Киргиз ишчи Фаҳритдин Салоҳиддинов билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

**Ўзбекистон дунёвий давлат қуриш йўлидан бормоқда. Хўш, дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади? Унда диний эътиқодга қандай ўрин ажратилган? Қолаверса, дин ва умумэътироф этилган тамойилларга асосланган демократия тушунчаси ўртасидаги алоқалар қандай бўлиши керак?**

Ушбу мураккаб саволларга жавоб излар эканмиз, халқаро ҳамжамиятнинг мутлақ кўпчилигини ташкил қилган дунёвий давлатлар тажрибаси, улар тараққиётининг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётган ғоя асло худосизликка асосланмагани, яқин ўтмишимиздагига ўхшаш даҳрий жамиятни англатмаслигига амин бўламиз. Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган муносабат демократия мезонларига асосланганини чуқур идрок этамиз. Уларда дин ҳаётдаги ижтимоий-маданий ва маънавий-руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тарихий қадриятлар силсиласидаги тенг ҳуқуқли бўғин сифатида қабул қилинганига ишонч ҳосил қиламиз. Яна бир бор таъкидлаймиз: демократик дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда дин ранг-баранг маънавий-маданий ва тарихий қадриятлар тизимидаги тенг ҳуқуқли бўғин, у бошқа бўғинлардан заифроқ ҳам, ёки устунроқ ҳам эмас. Бизнинг жамиятимиз тараққиёти негизи қилиб белгиланган ҳурфикрлик тамойили ҳам худди ана шу тажрибалар идрокига асосланган.

Дунёнинг кўпчилик давлатлари, хусусан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дин дунёвий давлат тузуми билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Демократик давлатларда аҳолининг кўпчилигини ташкил этадиган халқнинг диний эътиқодига кўрсатилган иззат-ҳурмат билан бир қаторда, туб этнослар учун ноанъанавий бўлган, лекин фуқароларнинг муайян қисми эътиқод қиладиган динлар, қолаверса, ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка бир хил муносабатнинг қарор топганлиги — Қуръони Каримдаги ибратли ҳикматлардан «динда мажбурлаш йўқ» деган сўзларнинг чуқур инсонпарварлик фалсафасини янада ёрқинроқ очиб беради.

XX асрнинг иккинчи ярмида умуммусулмон цивилизацияси ҳудудида жойлашган айрим давлатлар тараққиёти тажрибаси, афсуски, баъзиларда, хусусан, Ғарб дунёсида, Ислом динининг жамият ривожланишига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсири ҳақида жиддий шубҳалар туғилишига сабаб бўлди. Масаланинг таассуфли жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳақиқий инсонпарвар Исломнинг асл моҳиятидан йироқ кўринишлар, охирги йилларда, айрим олимлар томонидан олға сурилаётган цивилизациялараро қарама-қаршилик ва зиддиятлар ҳақидаги сунъий назарияларни озиқлантирмоқда, турли маданиятларни қиёслаш жараёнида умуммусулмон маданиятининг салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишда дастак бўлиб хизмат қилмоқда.

Фикримиз муҳтарам ўқувчига равшанроқ бўлиши учун бир икки мисол келтирамиз.

Жабрдийда афғон халқининг хоҳиш-иродасига хилоф ҳолда тахминан йигирма йил муқаддам бошланган ва ҳанузгача давом этаётган хунрезлик — мутаассиб исломий унсурларнинг мислсиз фаоллашуви, вужудга келган тўс-тўполондан ўзларининг соф диний эътиқоддан ташқарида бўлган ғаразли мақсадларига эришишга интилиши туфайли, ҳозирги босқичда, Афғонистондаги сиёсий-ҳарбий беқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий бўҳроннинг асосий сабабига айланди. Қўпол зўравонлик шаклини олган диний таассуб натижасида миллионлаб бегуноҳ кишилар қирғин қилиниб, уй-жойи, мол-мулки ва, ҳатто, Ватанидан маҳрум бўлди. Улар дунёнинг турли мамлакатларида ҳижрату ғариблик аламларини тортишга маҳкум этилдилар.

Тожикистондек бизга қардош, маданияти ва урф-одатлари уйқаш бўлган мамлакат тажрибаси ҳам Ислом омилининг соф диний эътиқод ҳудудларидан ташқарига чиқиши, бошқа маънавий-руҳий қадриятлардан устунлигини даъво этиши, айниқса, унинг сиёсийлашуви жамият тақдири учун нақадар катта хатарга айланиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Худди шунга ўхшаш омиллар таъсири остида Жазоирда атиги 5-6 йил ичида 80 минг мусулмоннинг ёстиғи қуригани ҳар қандай соғлом фикрли одамни даҳшатга солади.

Демократик давлатлар томонидан мусулмон Шарқида дунёвий ривожланишнинг нусха кўчиришга арзигулик эталони деб баҳоланиб келинган Туркияда 1970 йиллардан бошлаб исломий кучларнинг фаоллашуви ва сиёсийлашуви туфайли авж олган мафкуравий зиддиятлар натижасида содир бўлаётган ижтимоий нотинчлик ҳам кишини сергаклантиради.

Асримизнинг олтмишинчи йилларида дунёнинг саноати ривожланган давлатлари қаторига киришни мақсад қилиб қўйган, ўша пайтда мусулмон Шарқидаги «дунёвий ривожланиш»нинг яна бир ибратли мисоли тариқасида эътироф этилган Эрондек қадимий ва бақувват давлатда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини исломийлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар эронликларнинг ривожланган давлатлар сафига кириш ҳақидаги орзуларини пучга чиқарибгина қолмасдан, балки Эрон Ислом Республикасини энг муҳим халқаро жараёнлардан четга суриб чиқарганини ким инкор эта олади?..

Келтирилган мисолларга охирги йилларда Миср Араб Республикаси, баъзи Ғарб мамлакатлари ва собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган янги мустақил давлатларнинг айримлари ҳудудида, ўзини ўта тақводор деб даъво қилаётган мазҳабий ва тоифавий исломий ҳаракатлар, оқимлар ва шахслар томонидан содир этилаётган турли кўринишдаги қонли зўравонликларни қўшсак, тасвир янада хиралашади.

Биз, Ислом демократияга муросасиз, деган даъвони олға сураётганлар (улар қайси ниятлар билан бу ишни қилаётганидан қатъи назар) «тегирмонига сув қуймоқчи» эмасмиз. Зотан ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бораётган **Янги Ўзбекистон** тажрибаси ҳам бунга заррача асос бермайди. Аксинча, мамлакатимиз ривожланиши диний омилнинг мутлақо янгича идроки, дин ва хусусан Исломнинг жамият тараққиётидаги ҳақиқий роли ва ўрнининг мавжуд воқеликка таяниши билан ўтмиш даврлардан тубдан фарқланиб туради.

Диннинг қурилаётган жамиятимиздаги ўрни, энг аввало, унинг конституцион мақоми билан белгиланади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсонга хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи берилган. Диний қарашларни мажбуран сингдириш қатъиян ман этилган. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳамда уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Шу билан бир вақтда, масаланинг иккинчи томонига ҳам катта аҳамият берилган. Яъни, юқоридаги мезонлар Конституциянинг 57-моддасида қуйидагича аниқлаштирилади: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади».

Президентимиз И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида мамлакатимиз шароитида дунёвий давлатнинг дин билан муносабатларини аниқлаштирувчи асосий тамойиллар қаторига

**« — диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;**

**— диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;**

**— диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;**

**— маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;**

**— диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш»** киритилган.

Дунёвий жамият қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи зикр этилган конституцион мезонлар ва Президентимиз фикрларидан қуйидаги иккита асосий хулоса келиб чиқади:

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий ва адолатли дунёвий жамият қуриш концепциясида дин — маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида сўзсиз тан олинади. Мустақил ривожланиш йилларида ушбу мезоннинг ҳаётга нечоғлик изчил татбиқ этилаётганини фақат қалби кўр, адолатга хусумат билан муносабатда бўлган кимсаларгина инкор этиши мумкин.

Иккинчидан, Соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади.

Президент ҳақли равишда, диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади ва **«биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз»**, деб таъкидлайди. **« Лекин биз, — давом этади И.А. Каримов, — ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз»**.

Шу ўринда ҳуқуқий онгга таянган маданиятнинг энг муҳим узвий қисмларидан бўлган қонунга итоаткорлик кўникмаси ҳақида тўхталиш зарур. Эркинлик — демократия дегани фақат ҳуқуқлардан иборат эмас, балки улар билан баробар, зиммамизга юкланган мажбуриятлар ҳам эканини қон-қонимизга сингдирмагунимизча, демократик ҳуқуқий жамият қуриш билан боғлиқ эзгу ниятларимиз ширин орзулигича қолаверади.

